
ОЛТИАРИҚЛИК ТУРСУНОЙ ОПА ХОНАДОНИДАГИ ИССИҚХОНАДА ҚОВУН ПИШДИ

Олтиариқликларнинг деҳқончиликдан барака топганини боиси шуки, улар қайси маҳсулотга қачон талаб кучайишига қараб иш тутадилар. Иштиёқи бор одам зукко бўлади. Ҳар ишнинг хадисини тез ўрганади.

Полосонлик Турсуной Алимқулова хонадонида уч сотихгина ери бор. Икки йил аввал оила бироз қийналганлигини эътиборга олиб, маҳалла фуқаролар йиғини тавсияси билан икки сотихли иссиқхона қуриб берилганди. Турсуной опа турмуш ўртоғи Эргашали ака ва фарзандлари билан озгина ердан кўпгина даромад олиш нияти билан ҳаракатни бошлашди.

Устоз Анвар Обиджон таъбири билан айтилган - олтиариқлик ишбилгичларнинг бир хаёли бозорда, диққати томорқасида бўлди.

Танқис маҳсулотнинг нарҳи баланд. Турсуной опа илгари қилмаган ишини тез ўзлаштириб, иссиқхонани тўлдириб қовун экди. Қўли мўмай пул кўриб, қизиқиши ортди. Бу йил оралатиб булғор қалампири ҳам эккан.

Қолган бир сотих жой ҳам бекор қолмаган. Бодринг, помидор, қалампир, карам, пиёздан тортиб ҳамма мевалардан бор. Ховли бурчагида 10-15 та товуқ билан иккита бузоқ боқилляпти. Кўча ва ховли устида узум-ток, остида атиргуллар!

Турсуной опа ҳосил ортидан ўғиллари учун уй ва машина олишни ҳам ният қилган. Рўзфорингиз гулдай гўзал бўлсин, Турсуной опа.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-05-10 11:34:58